

**БЎЛАЖАК БОСШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВСЧИЛАРИНИ ТИМСС ХАЛҚАРО
БАҲОЛАШ ДАСТУРИ АСОСИДА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА МУЛТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Қаюмова Шоҳсанам Тўлқин қизи

Гулистон давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6896403>

Аннотация. Уибу мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини ТИМСС халқаро баҳолаши дастури асосида методик тайёргарлигини такомиллаштиришида мултимедия воситаларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари, TIMSS, методик тайёргарлик, мултимедия воситалари.

**РОЛЬ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ СРЕДСТВ В РАЗРАБОТКЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ
ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ
ПРОГРАММЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ ОЦЕНКИ TIMSS**

Аннотация. В данной статье описывается роль и значение мультимедийных средств в совершенствовании методической подготовки будущих учителей начальных классов на основе международной оценочной программы TIMSS.

Ключевые слова: будущие учителя начальных классов, TIMSS, методическая подготовка, мультимедийные средства.

**THE ROLE OF MULTIMEDIA RESOURCES IN DEVELOPING THE
МЕТОДОЛОГICAL TRAINING OF FUTURE PRIMARY CLASS TEACHERS ON
THE BASED ON THE TIMSS INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAM**

Abstract. This article describes the role and importance of multimedia resources in improving the methodological training of future primary school teachers based on the TIMSS international assessment program.

Keywords: future primary school teachers, TIMSS, methodical training, multimedia tools.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда моддий омиллар билан бир қаторда, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Чунки, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини ривожлантириш ва уларни халқаро баҳолаш дастурлари асосида тайёрлаш бугунги кун давр талабларига мувофиқ амалий фаолият олиб борувчи келажак авлод кадрларни тайёрлаш масаласини даврнинг ўзи тақазо этмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ислоҳотлар жараённада таълим-тарбия тизмини тубдан ривожлантиришда ёш-авлоднинг келажаги унинг баркамол кадр бўлиб вояга етиш масаласига тўхталар экан “ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шиҷоатли,

ташаббускор ёшларимизга таянамиз” деб таъкидлаганларида ҳам келажак авлод масаласи барча даврларда ҳам мұхым ақамият касб этиши еслатыб үтгандар

К.Маркованинг таъкидлашича, дидактик компетентлик үқитувчи мәхнат фаолиятининг асосий педагогик жиһатларини таҳлиллар асосида ёритиб бериш ва үз устида ишлаш ва әгалланган билим, құникма, малака ва амалий фаолиятининг натижаси сифатида юзага чиқиши мүмкінлиги каби масалаларга түхталиб үтган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Умуман олганда үтказилған тадқиқотлардан келиб чиқиб, бүлажак бошланғич синф үқитувчиларида методик тайёргарликни ривожлантиришда замон талабларидан келиб чиқиб ёндашиш мұхим ақамият касб этади. Аввало үқитувчиларнинг методик тайёргарлигини оширишда, уларда объектив зарур педагогик билимлар (үқитувчи мәхнати, унинг педагогик фаолияти хусусиятлари, мулоқот, шахс түғрисида, үқувчиларнинг психик ривожланишлари, уларнинг ёш хусусиятлари түғрисидаги психология, педагогикадан маълумотлар), қўникмалар (етарлича юқори даражада бажарилған хатти-харакатлар), дидактик психологик вазиятлар (үқитувчининг хулқини белгиловчи, унинг ўз-ўзига баҳоси, дидактик қизиқишлари даражасини ифодаловчи ва үқитувчининг мотивацияси, ўз мәхнатининг маъносини англаш билан бевосита боғлик, унинг үқувчига, ҳамкасбларига, ўзига муносабатлари барқарор тизими), унинг билишга оид соҳасини (педагогик фикрлаш, рефлексия, ўз-ўзини баҳолаш, кузатувчанлик) ҳамда мотивацион соҳасини (мақсад ҳосил қилиш, шахсий мотивлари, қизиқишлари) қамраб олувчи психологик хусусиятлар (сифатлар) мажмуи шакллантирилиши лозим.

Халқ таълими фаолиятининг устувор йұналиши сифатида бүлажак бошланғич синф үқитувчиларини методик тайёргарлигин ривожлантириш, мазмунан модернизация қилиш, илғор тажрибалар асосида үқитиши жараёнига инновацион педагогик ва мультимедиали электрон таълимий ресурслардан фойдаланишни жорий этиш, бунда бүлажак бошланғич синф үқитувчиларни инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишга бўлган салоҳиятини оширишга катта ақамият бериш эътироф етилган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги 997-сонли қарори асосида бошланғич синф щынитувчиларини методик тайёргарлигини ривожлантириш, уларга педагоги шарт шароитлар яратиш мақсадида бошланғич синф үқувчиларини TIMSS халқаро баҳолаш дастурига тайёрлаш мақсадида ҳамда ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича мультимедиали электрон ахборот ресурси яратилди.

МУҲОКАМА

Мазкур мультимедиали электрон ахборот ресурсида TIMSS халқаро баҳолаш дастури ҳақида, TIMSS топшириқлари, халқаро тенденциялар, TIMSS сўровномалари, eTIMSS ва масалаларни ечишга оид топшириқлар, TIMSS-2019 қамров доираси ҳамда 4-синф математика ва табиатшунослик дарсларида TIMSS топшириқларидан фойдаланишга оид кўрсатмалар берилган.

Шунингдек, мультимедиали электрон ахборот ресурсимизда, 4-синф математика ва табиатшунослик дарсларида үқувчилар фаоллигини ошириш ва фикрлаш орқали ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида қизиқарли үқув ўйинлари ҳамда TIMSS топшириқлари берилган. Улар ёрдамида үқувчиларнинг оғзаки ва ёзма математик нутқи,



1.1-расм. 4-синф ўқувчиларини TIMSS халқаро баҳолаш дастурига тайёрлаш номли мултимедиали электрон ахборот ресурси

тафаккури, диққати хотираси, мулоҳаза қилиш қобиляти, олинган билимларини амалиётда қўллаш қўниммалари ҳамда математик тушунчалари ҳақидаги тасаввурлари ривожлантирилади. Бу ресурсимиздаги топшириқлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, изланиш, хуласалар чиқаришга ва ўқувчиларни математика ва табиатшунослик фанларига қизиқишишини оширади. Бу ресурс орқали ўқувчилар TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотларида қўлланилган топшириқларни ишлаб кўришадилар ва уларда бундай форматдаги топшириқларни ечишга бўлган кўникма ва малакалари шаклланади.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқилган мултимедияли электрон ахборот ресурси бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларига методик тайёргарлигини ривожлантиришда ва ўқув дарсларига тайёргарлик кўришда ва дарсни олиб боришда қўйидаги имкониятларни беради:

дарсларни замонавий илғор педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари асосида турли кўринишда моделлаштириш;

4-синф математика ва табиатшунослик фанлари бўйича янги билимлар бериш, билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлашга оид қўшимча маълумот ва ахборотларга эга бўлиш;

4-синф табиатшунослик ва математика фанларига оид билим, қўллаш ва мулоҳаза юритишга оид топшириқлар билан танишиш;

TIMSS халқаро баҳолаш дастури ҳақида маълумот ва ахборотларга эга бўлиш;

дарс жараёнида ўқувчилар қизиқиши ва фаоллигини ошириш.

2.3. расм. TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида яратилган мултимедияли электрон ахборот ресурсининг имкониятлари

4-синф Математика ва табиатшунослик дарсларида мултимедияли электрон таълим ресурсларидан, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини ошириш билан бир қаторда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш

жараёнини шаклантиради, ўқувчиларга мотивация бериб, билимга бўлган иштиёқ ҳамда қизиқишларини ўстиради, эгалланган билимларини автоматизм даражасига етказишга ва ҳаётий вазиятларда мустақил қўллаш учун қўнишка ва малакаларини шаклантиришга хизмат қиласди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори. (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2018 й., 09/18/997/2289-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)
2. Маркова А.К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя // Педагогика, 1990.- № 8.-С.82-88
3. Blank, R.K., & de las Alas, N. (2009). *Effects of teacher professional development on gains in student achievement: How meta analysis provides scientific evidence useful to education leaders*. Washington, DC: Council of Chief State School Officers.
4. Ina V.S. Mullis, Michael O. Martin, Pierre Foy, and Alka Arora. Timss 2011 International Results in Mathematics. TIMSS & PIRLS International Study Center Lynch School of Education Boston College, USA,2012. 36 p.
5. Ina V.S. Mullis and Michael O. Martin. Timss 2019 Assessment Frameworks. TIMSS & PIRLS International Study Center, Lynch School of Education, Boston College and International Association for the Evaluation of Educational Achievement (IEA), 2019, 3 p.p. Boston, USA.
6. Qayumova Sh.T. Development of methodological training of future primary school teachers based on the international assessment program TIMSS. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866 Vol.2 Issue 1.5 Pedagogical sciences <http://berlinstudies.de>